141099

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси *1931 йилдан чиқа бошлаган* **1994 йил 1 октябрь, шанба** №45 (6633).

Баҳоси сотувда эркин нархда.

Эртага Халқ таълими ходимлари касб байрамларини нишонлайдилар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жамият турмушида ва ёш авлодни тарбиялашда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тутган ўрнига алоҳида аҳамият бериб, шунингдек, педагог ходимларнинг муқим ўрнашиб қолишлари учун зарур шароитларни яратиш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича малака даражасини ошириш ҳамда қўшимча ҳақ ва устамалар тизимини тартибга солиш ҳисобидан ўртача 20 фоиз оширилсин.

2. Иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим ходимларининг иш ҳақига қўшимча ва устамаларни тартибга солиш масалаларига оид қарор қабул қилсин.

4. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 сентябрь.

КЕЛАЖАГИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ БАЙРАМИ

Қадим-қадимдан элу юртда мураббийлар эъзозлаб келинади. Ўқитувчининг берган илму саболи болаларни ҳаётда комил инсон бўлишга, Ватанни, элни суймакка ўргатади.

Бугунги кунда, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизими ҳам янгиланиб, жаҳон тажрибалари асосида ўзгариб бормоқда.

— Ҳар қайси инсон, авваламбор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадамини ўз орзу-ниятлари ушалиши учун туғилган яна бир имконият деб англаши лозим, — деган эди Ислом Каримов. — Бунинг учун биз болаларимизни собиқдадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.

Шу маънода, мамлакатимизда соғлом ва маънавий етук инсонни тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган ўқитувчилар меҳнати қадр топмоқда. Буни Президентимизнинг халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни тақдирлаш, маориф ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида чиқарган фармонлари ҳам исботлаб турибди.

30 сентябрь куни "Туркистон" саройида маориф ходимларининг Халқ таълими ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.

Байрам тантаналарини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат халқ таълими ходимларига йўллаган табригини Республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов ўқиб эшиттирди.

Йиғилиш сўнгида катта концерт қўйиб берилди.

***

Шу куни пойтахтнинг Мукимий ва Ҳамза номидаги театрларида бўлғуси ўқитувчиларнинг байрами бўлиб ўтди. Низомий номидаги Тошкент давлат педогогика институти ҳамда республика мактабгача тарбия билим юртининг биринчи курсига қабул қилинган йигит-қизлар ҳаяжон ва ғурур билан талабалик гувоҳномаларини олдилар. Уларни мураббийлар, ота-оналар қутладилар.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар, қадрли устозлар!

Аввало сизларнинг барчангизни қутлуғ байрамларингиз билан муборакбод этаман.

Фарзандларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаётган, уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтираётган инсонлар ҳамиша эъзозга лойиқдир.

Сизлар мустақил юртимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олгувчи, ёш авлод шуурига маърифат ва эзгулик нурларини сингдиришда улкан хизмат кўрсатаётган кишиларсиз.

Сизлар заҳматли меҳнатингиз билан Истиқлол моҳиятини, масъулиятини теран англайдиган, ота-юрт шон-шавкатини етти иқлимга ёядиган авлодни ўқитиб, тарбияламоқдасизлар. Зеро, биз сизларнинг илму салоҳиятингиз юксаклигига таяниб, маърифатли давлат қуриш йўлини танлаб олганмиз.

Сизнинг зиммангизда дунё илм-фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, тафаккур зиёси билан башариятга нурли йўл кўрсатган улуғ аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаб вояга етказишдай эзгу вазифа турибди. Шундай шарафли вазифани адо этишда сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилайман.

Ислом Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, ёш авлодга таълим бериш, уларни ватанпарварлик, дўстлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, педагог мутахассислар тайёрлашда ватан олдидаги фидокорона хизматлари, жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун ҳамда Республика халқ таълими ходимлари куни муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ

Мислибоев Узоқбой — Пайариқ туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти.

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ

Абдуллажонов Сайдулла — Самарқанд шаҳридаги 6-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси

Абдуллаев Рустамбой — Хива шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абселямова Сабрия Аблямитовна — Наманган шаҳридаги 5-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси

Аллабердиев Раҳмон — Тайлоқ туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Асқарова Мазлума — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири

Аҳлидинов Рустам Шеренович — Давлат таълими стандартлари бўйича республика инспекцияси бошлиғи

Болтабоева Бозоргул Алламбергеновна — Қўнғирот туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бойтемиров Асадулла Ҳаитбоевич — Зарбдор туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жўраева Зибо — Сирдарё туманидаги "Лола" болалар боғчаси мудири, Сирдарё вилояти

Иброҳимова Ольга — Республика ўқувчилар саройи директори, Тошкент шаҳри

Қурбонова Шарифа — Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази тўгарак раҳбари

Мадумаров Шавкат Расулович — Зангиота туманидаги 15-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти

Мироқова Ҳидоят Гадоевна — Бухоро шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси

Мустафоева Айимгул Нуратдиновна — Чимбой шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Муҳаммадиева Санобар Айбековна — Қўқон шаҳридаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Нарзиева Норбиби — Денов туманидаги 46-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Норматов Ҳайдарқул — Боёвут туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нурматов Жаббор Очилович — Қамаши туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Омонов Бобораҳим — Навбаҳор туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

Саидов Мадамин — Асака туманидаги 36-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тожиддинов Сирожиддин — Шаҳрисабз шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Турсунов Нек — Ғиждувон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Турсунов Эгамбой — Шаҳрихон шаҳридаги 2-лицей директори, Андижон вилояти

Усмонов Тоҳир — Бойсун туманидаги 2-ўрта мактаб директори, Сурхондарё вилояти

Файзиев Равшан — Зомин туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ҳабибова Муҳаббат Ҳакимжоновна — Бухоро педагогика билим юрти ўқитувчиси

Ҳакимов Қосимжон — Чортоқ шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Холбоева Марҳамат Неъматовна — Олмалиқ шаҳридаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Худойберганова Саломат Болтаевна — Янгиариқ туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Шарипова Мели — Шайхонтоҳур туманидаги 59-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Шоназарова Роҳат Чориевна — Қизилтепа туманидаги 8-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шукуралиева Дилбархон Бердиевна — Қиргули туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ" УНВОНИ

Аитжанова Айимхон — Шуманай туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Акбаров Озод — Тошкент шаҳар қурилиш лицейи директори

Асадуллаев Тўра — Касби туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Исоқжонов Муҳаммаджон Салимович — Янгиқўрғон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Қаюмов Раҳим — Қибрай туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Қаюмова Мавлуда Абдусатторовна — Оқолтин туманидаги "Оқолтин" номли иқтидорли ўқувчилар мактаби ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Маманазаров Хусан — Хатирчи туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида" 1994 йил 28 сентябрдаги Фармонини бажариш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича ҳозир амалда бўлганга нисбатан бир разрядга оширилган лавозим маошларининг янги миқдорлари жорий қилинсин.

2. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб халқ таълими ходимлари учун ҳозир амалда бўлган устамалар ва қўшимча ҳақларнинг иш ҳақига нисбатан фоиз ифодасида табақалаштирилган янги миқдорлари белгилансин. Шу мақсадда:

халқ таълими ходимлари лавозимлари, қўшимча ҳақлар турлари ва миқдорларининг рўйхати 1—3-иловаларга мувофиқ;

ўқув машғулотлари ўтказиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай ставкалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тасарруфида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар иш ҳақининг оширилган миқдорларининг, шу жумладан устамалар ва қўшимча ҳақларнинг ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатилган мақсадлар учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари С. С. Саидқосимов ва Б. С. Ҳамидовлар зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 29 сентябрь.

****

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 1-илова

Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари

Қўшимча ҳақ қуйидагича белгиланади:

1. Умумтаълим мактабларининг ва барча турдаги ва номдаги мактаб-интернатларнинг I—IV синф ўқитувчиларига дафтар текширганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида.

2. Умумтаълим мактабларининг ва барча турдаги ва номдаги мактаб-интернатларнинг V—XI (XII) синф ўқитувчиларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқитувчиларига—ёзма ишларни текширганлик учун:

она тили ва адабиёт (рус тили ва чет тили) бўйича—энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;

математика бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

стенография бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

3. Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқитувчиларига чизмачилик ва техник математика (конструкциялаш) бўйича ёзма ишларни текширганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳақ тўланади.

4. Умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ва бошқа ходимларига (барча турдаги мактаб-интернатлар, кечки (навбатли) умумтаълим мактаблари, сессия тартибида ўқитиладиган сиртқи мактаблар ва бўлимлардан ташқари) синф раҳбарлиги учун:

I—IV синфларда-энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

V—XI (XII) синфларда-энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида.

Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув-юртларида—ўқитувчиларга энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида.

Синфлардаги (синф-комплектлардаги) ўқувчилар 15 нафаргача бўлган кам комплектланган мактабларда синф раҳбарлиги, дафтар ва ёзма ишларни текширганлик учун 1,2,3,4-бандларда назарда тутилган тегишли қўшимча ҳақнинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

5. Умумтаълим мактабларининг, мактаб-интернатларнинг ўқитувчиларига, ҳунар-техника ўқув юртларининг умумтаълим предметлари ўқитувчиларига ўқув кабинетлари мудирлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинетларига мудирлик қилиш юклатилган ўқитувчига ўқув-ҳисоблаш техникасининг ҳар бир ишлайдиган комплекти учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

6. Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига (ҳунар-техника ўқув юртларининг умумтаълим предметлари ўқитувчиларидан ташқари) ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлиги, цикл, предмет ва услубий комиссияларга раҳбарлиги учун—энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

ўқув-курс комбинатлари (ўқув пунктлари), курслар ўқитувчиларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида.

7. Ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларига кечки, сиртқи бўлимларга, мутахассислик (битта ёки бир неча турдош) бўйича бўлим мудирлиги учун бўлимда:

100 дан 125 нафаргача ўқувчи бўлганда — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи;

126 дан 150 нафаргача ўқувчи бўлганда — 25 фоизи;

151 дан 200 гача ўқувчи бўлганда — 30 фоизи миқдорида.

8. Санъат ходимлари тайёрлаш бўйича ўрта махсус ўқув юртларининг ҳамда педагогика билим юртларининг мусиқа бўлимлари ўқитувчиларига — бўлим мудирлиги учун бўлимда:

50 дан 100 нафаргача ўқувчи бўлганда — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи;

100 нафардан ортиқ ўқувчи бўлганда — 30 фоизи миқдорида.

9. Умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига — ўқув-тажриба участкаларига мудирлиги учун:

тўққиз йиллик мактабларда — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи;

ўрта умумтаълим мактабларида — 20 фоизи;

мактаб-интернатларда ва алоҳида тарбия шароитларига муҳтож бўлган болалар учун махсус мактабларда — 30 фоизи миқдорида.

Қўшимча ҳақ ўқувчилар томонидан ушбу участкаларда қишлоқ хўжалиги ишлари бажарилган даврда, теплица ёки парник хўжаликларида эса бутун йил давомида тўланади. Мудирлик қилганлик учун қўшимча ҳақ тўланадиган ўқув-тажриба участкаларининг энг кичик ҳажми нормалари тегишли ҳокимлик томондан белгиланади. Агроном штати мавжуд бўлганда қўшимча ҳақ тўланмайди.

10. Меҳнат таълими ўқитувчиларига мактабларда ва мактаб-интернатларда ўқув устахоналари устаси вазифасини бажарганлик учун синфлар (синф-комплектлар):

10 тагача бўлганда — ҳар бир устахона учун энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи;

10 дан 20 тагача бўлганда — 20 фоизи;

(Давоми 2-бетда).

Ҳамма вақт одобу ахлоқ комиллик мезонларидан бири бўлиб келган. Шофиркон туманидаги 23-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси Исроил Тошев "Одобнома" дарсига ўзгача тараддуд билан келади.

Ҳар бир дарснинг бой маънавий меросимиз намуналари асосида ўтказилиши ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Суратда: машғулот пайти.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

"Маърифат"нинг обуна баҳоси:

БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН

ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН

УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

РЕСПУБЛИКАДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матёқубова София Ўруновна — Шеробод туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти.

Мусаев Ҳамид — Пастдарғом туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ражабов Сабур — Хазорасп туманидаги 1-иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Турсунов Маҳаммадали — Қўрғонтепа туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Усмонов Қаҳрамон — Жондор туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Фозилова Олтиной — Жиззах туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Эргашев Эркинжон — Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Фарғона вилояти

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ" УНВОНИ

Абдураимов Тойиржон —Қува шаҳридаги 3-мактаб директори, Фарғона вилояти

Абдураҳмонов Йўлчибой — Чуст туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Азимова Санобархон — Норин туманидаги 10-болалар боғчаси мудири, Наманган вилояти

Аметова Раушан Аметовна — Нукус шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Аюпов Мирғиёс Арупович — Андижон вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти методисти

Бисенова Мейрамгул — Конимех туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бозоров Эргаш — Иштихон туманидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Гадойбоев Шораҳим — республика ўқув-методика маркази етакчи методисти

Ғаниева Турсуной Дадабоевна — Қорасув шаҳридаги қишлоқ хўжалик лицейи директори, Андижон вилояти

Ғуломова Назира Усмонбековна — Қибрай туманидаги 25-лицей-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ёдгоров Раҳмат — Шофиркон туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Жўлиев Абдуғани Эргашевич — Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси

Исломов Ўмир — Фориш туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Лагазидзе Лилия Ивановна — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тил ўргатиш маркази раиси

Михайлов Юрий Алексеевич — Мирзо Улуғбек туманидаги 211-ўрта мактаб ёшларни ҳарбий чақириққа қадар тайёрлаш бўйича раҳбари, Тошкент шаҳри

Мираҳмедова Бибижон Шомамедовна — Урганч туманидаги енгил саноат лицейи директори, Хоразм вилояти

Назирқулов Ҳамиджон — Избоскан туманидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ниёзметова Туйғун Расуловна — А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти кафедра мудири, Тошкент шаҳри

Норматов Зоҳиджон Мирзамаҳсумович — Тўрақўрғон туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Норматова Норой Норматовна — Термиз шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Орифий Шарофжон — Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими методисти, Қашқадарё вилояти

Отабоев Қўзибой — Шовот туманидаги 1-лицей ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Охунжанов Эркинжон — Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси

Очилов Муродулла — Қарши туманидаги 19-ўрта мактаб директори, Қашқадарё вилояти

Очилов Нурилла — Жомбой туманидаги 27-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Пардаев Зайниддин — Қоракўл туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ражабов Рустам Холович — Узун туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Расулов Нажмиддин — Бухоро шаҳридаги 3-қурилиш ҳунар лицейи ишлаб-чиқариш таълими устаси

Саитмуротова Фотима Саидорип қизи — Шайхонтаҳур туманидаги 157-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Саноқулова Хосият — Булунғур туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Сатторов Зиёд — Ғаллаорол туманидаги 58-мактаб директори, Жиззах вилояти

Сеитниёзова Азиза Икромовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 55-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Султонов Саъдулла — Тўрткўл туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тошев Суяр Қиличевич — Қарши педагогика билим юрти директори, Қашқадарё вилояти

Тоштемиров Ўринбой — Қўқон давлат педагогика институти профессори, Фарғона вилояти

Турсунов Йўлдошали — Данғара туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Тўраева Мавлуда Нарзиевна — Гулистон туманидаги 9-ҳунар билим юрти ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Тўрақулов Жўрақул — Музработ туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Тўйчиева Тўхта — Бўстонлиқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Умаров Хўжаназар — Чироқчи туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Файзиева Гулнора Қаҳҳоровна — Навоий туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

Филиппенко Мария Леонтьевна — Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудири

Флицлер Ирина Ивановна — Ангрен шаҳридаги 34-етим ва қаровсиз қолган болалар мактаб-интернати ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ҳожиев Йўлдош — Хонқа туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ҳамдамов Пўлат — Жиззах давлат педагогика институти доценти

Ҳасанова Муборак Азизовна — Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Шербоев Қосимжон — Тошлоқ туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шукурова Гулчеҳра — Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эргашев Қурбонназар — Жарқўрғон туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қаюмов Рашид — Тошкент шаҳар 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати тарбиячиси

Яструбиницкий Борис Аронович — Мирзо Улуғбек туманидаги технологик коллежнинг бош мудири, Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ

Абдуллаева Ҳафиза — Фарғона шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси

Азимов Ҳайдар — Ғузор туманидаги А. Ҳайдаров номли лицей ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Алибоева Назира Саитовна — Сирдарё туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Асқаров Маҳаматдиёр Нуритдинович — 1-Тошкент индустриал педагогика техникуми ўқитувчиси

Аҳмедова Маруфат — Оҳангарон шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Вахтель Владимир Иванович — Уйчи туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Давронова Рўзигул — Косон туманидаги 4-"Дилором" болалар боғчаси тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Жалолова Дилором Азимовна — Собир Раҳимов туманидаги 522-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Жайлканов Бектурди Бозорбоевич — Беруний шаҳридаги педагогика билим юрти ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жалилов Абдуҳалил — Балиқчи туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Зиядинова Найле Кефильевна — Навоий шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси

Зукирова Нуринисо — Паркент туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Исомиддинов Эргашали — Бешариқ туманидаги 4-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Йўлдошев Хурсан — Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасининг бўлим бошлиғи

Каримов Ибодулла — Беруний туманидаги 60-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каттақулова Ўрол Ёрқуловна — Каттақўрғон шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Коптлеуов Аманбай Абдиевич — Хўжайли туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Косназаров Қутмамбет — Нукус Давлат педагогика институти кафедра мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Қорабоев Ўсарбек — Хўжаобод туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қурбанова Моможон Жумабоевна — Урганч шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ланина Татьяна Кирилловна — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлинма бошлиғи

Мирзаев Абдуқодир — Ургут туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мусаев Паёз — Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири

Набиева Озод — Қўқон педагогика билим юрти ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Поситов Облақул — Қўшработ туманидаги 82-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Раҳимов Муҳамад — Тошкент шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси

Раҳматова Моҳира Ҳикматовна — Бухоро туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сафаров Акабой Ўзбекович — Пахтакор туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Сахно Любовь Юрьевна — Тахиатош шаҳридаги 9-болалар боғчаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сотиволдиев Умматали — Бағдод туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Султонов Абдулла — Ўрта Чирчиқ туманидаги лицей-интернатнинг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Султонова Лутпи — Юқори Чирчиқ туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Султонова Ўғилой — Ангор туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Тожибоев Неъмат — Наманган туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ўринов Поён — Қарши шаҳридаги қурилиш лицейининг ишлаб-чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти

Хайриева Ўрол — Нарпай туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Халилова Муҳаббат Халиловна — Когон туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳамидова Нина Тошевна — Навоий Давлат педагогика институти кафедра мудири

Худойназаров Эргаш — Боғот туманидаги 126-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Юнусов Салоҳиддин Расулович — Олтинкўл туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 сентябрь

(Давоми. Боши 1-бетда).

21 та ва ундан кўп бўлганда — 25 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади;

комбинациялашган устахона мавжуд бўлганда энг кам иш ҳақининг тегишли равишда 25, 30, 40 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

11. Умумтаълим мактабларининг ва барча турдаги ва номдаги мактаб-интернатларнинг сметаларида ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш бўйича синфдан ташқари ишларни ўтказганлик учун педагог ходимлар меҳнатига қуйидагича миқдорда ҳақ тўлаш учун маблағлар назарда тутилади:

10 дан 19 тагача синф-комплектлар бўлганда — умуман мактаб, мактаб-интернат учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи;

20 дан 29 тагача бўлганда — 50 фоизи;

30 та ва ундан кўп бўлганда — 100 фоизи миқдорида.

Етим болалар ҳамда ота-она қаровисиз қолган болалар учун мактаб-интернатларга, мактабгача ёшдаги болалар учун болалар уйларида ва аралаш турдаги болалар уйларида қўшимча ҳақ, синфлар (гуруҳлар) сонидан қатъи назар, энг кам ойлик иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида белгиланади. Қўшимча ҳақ бир ходим ҳисобига ҳам, бир неча ходимга бўлиб берилиши ҳам мумкин.

12. Ётоқхоналари бўлган ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг директорларига ҳамда тарбия (ўқув-тарбия) ишлари бўйича директор ўринбосарларига қўшимча ҳақ уларда:

200 гача ўқувчи яшаганда — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи;

200 дан 400 гача ўқувчи яшаганда — 20 фоизи;

400 дан кўп ўқувчи яшаганда — 30 фоизи миқдорида тўланади.

13. Директорларга ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларига мактабда куни узайтирилган икки ёки ундан ортиқ гуруҳлар мавжуд бўлганда қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи, куни узайтирилган мактабларда эса 15 фоизи миқдорида тўланади.

Бунда қўшимча ҳақ куни узайтирилган гуруҳлар ишларига раҳбарлик қилиш зиммасига юклатилган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларининг фақат биттасига тўланади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 ва 15 фоизи миқдоридаги кўрсатиб ўтилган қўшимча ҳақ, директорларнинг ўринбосарларига уларнинг тўлиқ ёки ярим ставка бўйича ишлаётганлигидан қатъи назар, тўланади.

Директор лавозими назарда тутилмаган бошланғич мактабларда мактабда икки ёки ундан кўп куни узайтирилган гуруҳлар мавжуд бўлганда мактабга раҳбарлик қилиш юклатилган ўқитувчига уларга раҳбарлик қилганлик учун қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўланади.

14. Умумтаълим мактабларининг ва мактаб-интернатларнинг зиммасига меҳнат таълими, ўқувчиларни касбга, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга йўналтиришни ташкил этиш юклатилган педагог ходимларидан биттасига қуйидаги нормативлардан келиб чиққан ҳолда:

6—12 та синф мавжуд бўлган мактабларда энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи;

13—29 та синф мавжуд бўлганда — 25 фоизи;

30 та ва ундан кўп синф мавжуд бўлганда — 40 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

15. Директор лавозими назарда тутилмайдиган, 80 нафаргача (шаҳарларда ва ишчи шаҳарчаларида 100 нафаргача) ўқувчи бўлган кечки (навбатли) ўрта умумтаълим мактабларида, етти йиллик мусиқа мактабларида ҳамда бадиий мактабларда, бошланғич мактабларда мактабга (синфларга) раҳбарлик учун, кундузги умумтаълим мактаблари ҳузуридаги ўқитишнинг кундузги-сиртқи шаклларидаги синфларга раҳбарлик учун ўқитувчилардан биттасига қўшимча ҳақ:

бошланғич мактабларда ўқувчилар:

160 нафаргача бўлганда энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

161 дан 240 нафаргача бўлганда — 20 фоизи миқдорида;

кечки (навбатли) ўрта умумтаълим мактабларида ва кундузги умумий таълим мактаблари ҳузуридаги ўқиш кундузги-сиртқи шаклда бўлган синфларда ўқувчилар сони:

60 нафаргача бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи;

61 дан 80 нафаргача (шаҳарларда ва ишчилар шаҳарчаларида 100 гача) бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи;

ўқувчилар сони 50 нафаргача бўлган етти йиллик мусиқа мактабларида ва бадиий мактабларда — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида тўланади.

16. Ўқувчилар сони 150 дан 200 нафаргача бўлган ҳамда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозими белгиланмайдиган етти йиллик мусиқа мактаблари ва бадиий мактабларда ўқув ишларига раҳбарлик қилувчи ўқитувчига энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

17. Умумтаълим мактаби директорининг (директор лавозими назарда тутилмаган бошланғич синфлар ўқитувчисининг) лавозим маошига мактаб ҳузуридаги интернатга мудирлик қилганлиги учун тарбияланувчилар сонига қараб:

тарбияланувчилар 20 нафаргача бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг — 10 фоизи миқдорида;

21 дан 40 нафаргача бўлса — 15 фоизи миқдорида;

41 дан 75 нафаргача бўлса — 20 фоизи миқдорида;

76 дан 120 нафаргача бўлса — 25 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

18. Мактабларнинг сиртқи бўлимларининг, сиртқи мактабларнинг, ўқитиш кундузги-сиртқи шаклда олиб бориладиган кечки (навбатли) ўрта умумий таълим мактабларининг ўқув-маслаҳат пунктларига мудирлик қилганлик учун ўқув-маслаҳат пунктларида сиртдан ўқувчилар сони:

30 дан 60 нафаргача бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида (қўшимча ҳақ фақат қишлоқ жойлардаги пунктларда берилади);

61 дан 100 нафаргача бўлса — 15 фоизи миқдорида;

101 дан 200 нафаргача бўлса (фақат сиртқи бўлимлар ва сиртқи мактаблар пунктларида) — 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ берилади;

кўр ва яхши кўрмайдиган, кар ва яхши эшитмайдиган ўқувчилар учун — ўқув-маслаҳат пунктларида сиртдан ўқувчилар 15 дан 60 нафаргача бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

сиртдан ўқувчилар 61 дан 100 нафаргача бўлса —15 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

19. Бўлимга раҳбарлик қилувчи (бўлимнинг ихтиёрида бир ихтисосликдаги камида 10 та тўғарак мавжуд бўлса) мактабдан ташқари муассасанинг тўғарак раҳбарига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида ҳақ тўланади. Бўлимда мудир лавозими мавжуд бўлган тақдирда кўрсатиб ўтилган қўшимча ҳақ тўланмайди.

20. Ўқитувчиларга ва бошқа ходимларга иш юритишни ва бухгалтерия ҳисобини олиб борганликлари учун:

умумтаълим мактабларида, шу жумладан кечки (навбатли) умумтаълим мактабларида синф-комплектлар сони:

5 дан 9 тагача бўлганда — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;

10 дан 13 тагача бўлганда — 25 фоизи миқдорида (штатда хўжалик мудири ёки хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозими мавжуд бўлганда кўрсатиб ўтилган қўшимча ҳақ тўланмайди);

ўрта умумтаълим мактабларининг сиртқи бўлимларида сиртдан ўқувчилар сони:

200 нафаргача бўлса — 10 фоизи миқдорида;

200 нафардан кўп бўлса — 15 фоизи миқдорида;

умумтаълим мактаблари ҳузуридаги интернатларда ва бадиий мактабларда тарбияланувчилар сони:

20 дан 75 нафаргача бўлса — 5 фоизи миқдорида;

76 дан 120 нафаргача бўлса — 10 фоизи миқдорида;

120 нафардан кўп бўлса — 15 фоизи миқдорида;

маҳсулотни сотишдан даромад олувчи мактаб ва мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида — 15 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган бухгалтерия томонидан юритилган ҳолларда ҳам ушбу бандда назарда тутилган миқдорларда қўшимча ҳақ берилади. Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги бўйича бухгалтерия ҳисобини юритганлик учун мактаб-интернатлар ва болалар уйларининг бош бухгалтерларига (бухгалтерларига) қўшимча ҳақ қуйидаги миқдорларда тўланади:

қишлоқ хўжалиги экин майдонлари 15 гектардан 25 гектаргача бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

экин майдонлари 25 гектардан кўп бўлса — 20 фоизи миқдорида.

21. Кечки (навбатли) ўрта-умумтаълим мактабларида ва мактаблар ҳузуридаги интернатларда (уларда хўжалик мудири лавозими назарда тутилмаган ҳолларда) хўжалик ишлари бўйича директорларнинг ёрдамчиларига ёки хўжалик мудирларига ва (штатда бу лавозимлар мавжуд бўлмаганда) умумтаълим мактабларининг бошқа ходимларига хўжаликни юритганликлари учун кечки (навбатли) ўрта умумтаълим мактабларида синфлар сони:

10 дан 20 тагача бўлса—энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;

20 дан кўп бўлса — 30 фоизи миқдорида;

умумтаълим мактаблари ҳузуридаги мактабларда, ўрта мусиқа ва бадиий мактабларда тарбияланувчилар сони:

40 дан 120 нафаргача бўлса— 15 фоизи миқдорида;

120 нафардан кўп бўлганда — 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ берилади.

22. Кутубхоначи (кутубхона мудири) лавозими назарда тутилмаган умумтаълим мактабларида 1000 китобдан кам бўлмаган китоб фонди мавжуд бўлган тақдирда кутубхона ишини юритганликлари учун ўқитувчиларга ва мактабларнинг педагог ходимларига тоифага эга бўлмаган кутубхоначи лавозим маошининг 10 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

23. Мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари кутубхоначиларига ёки бошқа ходимларга дарсликларнинг кутубхона фонди билан шуғулланганликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Кейинги ҳар бир 1500 нусха дарсликлар учун 5 фоиз, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

24. Ёрдамчи хўжаликка эга бўлган барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар ва болалар уйлари директорларига ҳамда директорларнинг ёрдамчиларига (ўринбосарларига) (хўжалик мудирларига) шунингдек, ўқув хўжалигига эга бўлган ҳунар-техника ўқув юртларининг директорларига, ўқув-ишлаб чиқариш иши бўйича директорларнинг ўринбосарларига, катта мастерларга ёрдамчи (ўқув) хўжалигига раҳбарлик қилганликлари учун юқори ташкилотларининг қарори билан ёрдамчи (ўқув) хўжаликлари ўз фаолиятларидан оладиган маблағлар ҳисобидан қўшимча ҳақ белгиланади.

25. Кундузги ўрта мактабларнинг айни бир вақтда кечки (навбатли) умумтаълим мактабларининг физика ва кимё кабинетлари лаборанти вазифасини бажарувчи лаборантларига, агар кечки (навбатли) ўрта умумтаълим мактабларида 10 ва ундан ортиқ синф мавжуд бўлиши ҳамда штатда лаборант лавозими назарда тутилган бўлиши шарти билан ҳар бир кабинет учун ҳар ойида энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

26. "Хизмат кўрсатган спорт устаси" фахрий унвонига эга бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

27. Мазкур илова билан ўрта умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари учун назарда тутилган қўшимча ҳақ гимназиялар ва лицейларнинг ўқитувчиларига жорий этилади, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқитувчилари учун назарда тутилган қўшимча ҳақ эса колледжлар, ҳунар лицейлари, олий ҳунар ва техника ўқув юртлари ўқитувчиларига жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
1994 йил 29 сентябрдаги
490-сон қарорига
2-илова

Махсус таълим-тарбия муассасаларидаги алоҳида меҳнат шароитлари учун қўшимча ҳақ белгиланган педагог ходимлар лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорлари

I. Таълим-тарбия жараёни билан бевосита шуғулланувчи раҳбар ходимлар, педагогик ходимлар, руҳшунослар, ишлаб чиқариш таълими усталари, меҳнат таълими инструкторлари ва тарбиячиларнинг ёрдамчилари ставкалари ҳамда лавозим маошларига қуйидаги миқдорларда қўшимча тўловлар белгиланади:

а) умумий турдаги мактаб-интернатларда — ойига 15 фоиз;

б) иқтидорли болалар гимназиялари, коллежлари, мактаб-интернатлари (синфлари, гуруҳлари)да (бундай синфлар камида 50 фоизни ташкил қилса, раҳбар ходимлар учун) — ойига 20 фоиз;

в) лицейлар (синфлар, гуруҳлар)да — умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника ўқув юртларидаги худди шундай ходимларга нисбатан 20 фоиз, лицей-интернатлар ва ётоқхонаси бўлган лицейларда шу тоифадаги мактаб-интернатлар ва ҳунар ўргатувчи лицейлар ходимларига нисбатан (бундай синфлар, гуруҳлар камида 50 фоизни ташкил қилса, раҳбар ходимлар учун) — 50 фоиз;

г) жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган, алоҳида тарбия шароитларига ёки узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирлар руҳий ривожланишда орқада қолган болалар (шу жумладан, бундай болаларни якка тартибда ўқитганда) мактаблари, мактаб-интернатлари, мактабгача муассасалари, ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртларида; балоғатга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш жойлари ва меҳнат-тарбия колонияларида; ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳузуридаги мактабларда, мактабгача муассасаларда; махсус ҳунар-техника билим юртлари, болалар уйлари, уй-интернатлар, мусиқа таълими берувчи мактаблар (мактаб-интернатлар) етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар мактаб-интернатларида; милиция болалар хоналари томонидан юборилиадиган тарбияси қийин болалар учун ташкил этиладиган мактабдан ташқари муассасаларда; болалар уйларида; махсус соғлиқни сақлаш муассасаларидаги педагог ходимларга; болалар касалхоналари (бўлинмалари) санаторийлари ва шу кабиларда — ойига 50 фоиз.

Изоҳлар:

Махсус мақсадли (алоҳида режимли) синфлари ва гуруҳлари бўлган умумий мақсаддаги муассасаларда иш ҳақи ставкаси (лавозим маоши)га қўшимча тўлов фақат ана шундай синфлар (гуруҳлар)да ишланган вақт учунгина, раҳбар ходимларга эса — кўрсатилган синфлар ёки гуруҳлар муассасада камида 50 фоизни ташкил қилгандагина тўланади.

Сил касаллигининг енгил шакли билан касалланган болаларга мўлжалланган гуруҳлари бўлган умумий мақсаддаги мактабгача муассасаларда (бундай гуруҳлар сонидан қатъи назар) қўшимча тўловлар шу гуруҳларда ишламайдиган тарбиячилар, мусиқа раҳбарлари, тарбиячилар ёрдамчилари (тунги энагалар)дан ташқари барча ходимларга тўланади. Етим болалар, ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун алоҳида гуруҳлар (синфлар) ташкил этилган умумий турдаги ёки махсус мақсадли мактаблар ва мактаб-интернатлар ходимларига кўрсатиб ўтилган тўловлар тўланмайди.

д) жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган, узоқ муддатли даволанишга муҳтож бўлган; руҳий ривожланишда орқада қолган болалар контингент бўлган болалар уйларида, болалар уй-интернатларида, етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар мактаб-интернатларида, болалар уйлари (синфлари, гуруҳлари)да — ойига 60 фоиз.

II. 1-банднинг "г" кичик бандида кўрсатилган муассасалар (етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар муассасаларидан ташқари) ўзларининг шу хусусиятлари бўйича ушбу муассасаларнинг ўқувчилари, ёки тарбияланувчилари билан бевосита мулоқотда бўладиган бошқа ходимларига қўшимча ҳақлар лавозим маошининг 35—50 фоизи миқдорида белгиланади.

Лавозим маошининг 35—50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ белгиланиши мумкин бўлган ходимларнинг аниқ рўйхати ва ушбу қўшимча ҳақларнинг миқдорлари, касаба уюшмалари билан келишган ҳолда жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган, узоқ муддат даволанишга ёки алоҳида шароитларда тарбиялашга муҳтож бўлган ўқувчилар (тарбияланувчилар) билан муносабатда бўлиш даражаси ва давом этишига қараб муассасаларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади.

III. 1-бандда санаб ўтилмаган етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар уйлари ва мактаб-интернатларнинг ходимларига қўшимча ҳақ 50 фоиз миқдорида белгиланади, ота-оналар қаровисиз қолган, жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган, руҳий ривожланишда орқада қолган болалари бўлган болалар уйларида, етим болалар мактаб-интернатларида эса — ойига 60 фоиз миқдорида белгиланади.

IV. Халқ таълими муассасаларининг фан доктори ва фан номзоди даражасига эга бўлган педагог ва раҳбар ходимларига қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли равишда 70 ва 45 фоизи миқдорида белгиланади.

Изоҳлар:

1. Жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган таълим-тарбия муассасаларига:

эшитиш қобилияти ёмонлашган (кар-соқов), заиф эшитувчи, кўр, (кўр-кар), заиф кўрувчи, ғилай ва амблиопия, нутқи заиф: таянч-ҳаракат аъзосида нуқсони бўлган, шу жумладан, полиомиелит, церебрал спастик асорати бўлган паралич ва бошқа касалликлар билан оғриган тарбияланувчи ўқувчилар учун мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, мактабгача тарбия муассасалари, ҳунар-техника ўқув юртлари (синфлар, гуруҳлар); Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимидаги ногирон болалар учун логопедик бўлимлар, муассасалар киради.

2. Ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган таълим-тарбия муассасаларига: ақлан заиф, кўр ва ақлан заиф, руҳий ривожланишда орқада қолган, тафаккурида нуқсони бўлганлар учун мўлжалланган мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, мактабгача тарбия болалар муасса алари (синфлар, гуруҳлар); республика Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимидаги шундай болалар муассасалари киради.

3. Узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган болалар ўқув-тарбия муассасаларига: руҳий асаб касалликларига (психоневротика), сил касаллиги ва унинг шаклларига, юрак-томир тизими касалликлари, марказий асаб тизимининг бузилишига, руҳий нуқсони бўлган; юқумли гепатит билан оғриган ўқувчилар (тарбияланувчилар) учун; сколиоз касаллигига чалинган болалар учун мўлжалланган ҳунар-техника ўқув юртлари, мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари (синфлар, гуруҳлар); соғлиқни сақлаш муассасалари; ихтисослаштирилган болалар уйлари, болалар касалхоналари (бўлимлари), санаторийлар ва бошқалар киради.

4. Уйда қуйидаги сурункали касалликларга чалинган болалар якка тартибда ўқитилади: суяк сили, полиомиелит, церебрал спатик паралич, литтиль касаллиги, психопат, тутқаноқ ва бошқа касалликлар билан оғриган болалар, фақат тегишли тиббиёт хулосаси мавжуд бўлган тақдирда; болалар касалхоналари (клиникалари)да ва касалхоналарнинг болалар бўлимида узоқ муддат даволанишда бўлган болалар учун якка тартибдаги ёки гуруҳли ўқитиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
1994 йил 29 сентябрдаги
490-сон қарорига
3-илова

Олий ўқув юртларининг қўшимча тўловлар белгиланган профессор-ўқитувчилари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорлари

Қўшимча тўловлар қуйидагиларга белгиланади:

1. Олий ўқув юртларининг қуйидаги вазифаларни бажарувчи профессор-ўқитувчиларига:

деканларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизи миқдорида ва деканларнинг ўринбосарларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида.

2. Тиббиёт олий ўқув юртлари, шифокорлар малакасини ошириш институтлари ва тиббиёт факультетларининг профессор-ўқитувчиларига соғлиқни сақлаш идораларининг клиникалари ва клиник база бўлган бошқа муассасаларида даволаш-ташхис ишларини бажарганликлари учун қуйидаги миқдорларда қўшимча ҳақ тўланади:

кафедра мудирлари, профессорлар ва доцентларга — лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида;

ассистентларга — лавозим маошининг 25 фоизи миқдорида.

Шу тоифадаги ходимларга — беморларни операция қилувчи жарроҳларга, оператив фаолиятни, реанимация тадбирларини ва жадал терапия усулларини қўлловчи анестезиолог ва реаниматологларга, даволаш тадбирларини амалга оширувчи эндоскопчиларга қўшимча тўловлар уларнинг лавозим маошининг 25 ва 30 фоизи миқдорида белгиланади.

3. Олий ва ўрта

ТАБАРРУК ОЛИМ ВА МУАЛЛИМ

Халқимиз азалдан устозларни эъзозлаб, уларга ўзининг тўридан жой берган, чароғбон билиб, орқасидан эргашган. Кекса маорифчи, мактаб муаллимларининг устози, халқ педагогикасининг оташин тарғиботчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Аскар ака Зуннунов ана шундай зиёлилардан бири.

Домланинг ҳаёт йўли ғоят ибратли. У 1915 йилнинг 17 январида Тошкент шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Отаси Москва, Петербург, Қозон, Оренбург савдо аҳли билан алоқада бўлиб, илм-маърифатга ихлос қўйган. Шу боис фарзандларини ўқитишга, маърифатли қилишга интилган.

Аскар Зуннунов ҳам муаллимлар сулоласининг бир вакили сифатида тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, ўз устида тинмай ишлаши ва доимий мутолааси туфайли ҳаётда кўплаб ютуқларга эришди.

Аскар ака 1933 йилда билим юртини тугаллаб, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 19-мактабда оддий котибликдан бошлади. 1960 йилга қадар мактабларда тил ва адабиёт муаллими, илмий бўлим мудири, мактаб директори лавозимида ишлади, 1944 йилда Шаҳрисабз туманида маориф бўлими мудири вазифасини адо этди. 1939—1943 йилларда Ўшинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди.

Домла 1961 йилдан ҳозирги кунгача Т. Н. Қориниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ишлаб келяпти: аввал оддий муҳаррир, сўнг кичик ва катта илмий ходим, 1963 йилдан эса адабиёт ўқитиш бўлими мудири, илмий котиб, директорнинг илмий ишлар бўйича муовини вазифаларида ишлади. Сўнг бир ярим йил давомида институт директори вазифасини бажарди. Ҳозир институтдаги энг катта бўлимлардан бири — халқ педагогикаси ва миллий истиклол мафкураси бўлимини бошқараяпти.

Аскар Зуннунов ҳаёти силлиқ ўтмади. У кўп булутли, қор-бўронли кунларни, бўхтону тухматларни кўрди, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини татиди. Бироқ қийинчиликлардан қўркмади, аксинча, уларни саботматонат билан енгиб ўтди. Республикамиз мактабларида адабиёт фанларини ўқитишни такомиллаштириш ишида фаол иштирок этди, адабиёт дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмалар яратишга бош-қош бўлди. Масалан, "Мактабда Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш", "Мактабда Гулханий ва Муқимий ижодини ўрганиш" каби методик қўлланмалар, 5 ва 6 - синфлар учун "Ватан адабиёти" дарсликлари домла яратган асарлардир.

Аскар ака 1961 йилда педагогика фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлаганидан кейин унинг олимлик салоҳияти, муаллимларга устозлик фаолияти янада юксалди, адабиёт ўқитиш методикасининг ривожида салмоқли ўринни эгаллай бошлади. Натижада ўз тадқиқотларини умумлаштириб, 1975 йилда "Республика мактабларида адабиёт ўқитиш методикасининг ривожи" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаб, педагогика фанлари доктори деган илмий даражани олди.

Аскар Зуннунов Ўзбекистонда адабиёт ўқитиш методикаси мутахассислигидан ягона фан доктори бўлгандан кейин ҳам тинмай меҳнат қилди, китоблар яратди, шогирдлар тайёрлади. Домла яратган "4—10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш", "Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар", "Бадиий асар таҳлили методи" монографиялари, ҳамкорликда нашр этган "Адабиёт назарияси" (8-10-синф), "Ифодали ўқиш асослари", "Адабиёт ўқитиш методикаси", "Баёнлар тўплами" каби қўлланмалар кўп йиллардан буён олий ўқув юртлари ва ўрта мактаб адабиёт ўқитувчиларига дастуриламал бўлиб келмоқда. Мактабларда таълим-тарбия тизимининг таниқли вакилларидан бири сифатида Аскар ака ўз тадқиқотларида адабиёт методикасининг педагогик тажрибага асосланиши, таълим ва тарбия жараёнида ўқувчининг ҳам тенг ҳуқуқли иштирокчи бўлиши, бадиий адабиётни ўқитишда унинг ўзига хос хусусиятига эътибор бериш зарурлиги, бадиий асарларда ифодаланган воқеа ва образларни эмоционал қабул қилиш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини тарғиб қилди.

А. Зуннунов 1966 йиллардан бошлаб мактабларда она тили ва адабиётни кабинет системаси асосида ўқитиш ташаббускорларидан бири бўлди. У таниқли методист-олимлар — В. В. Голубков, Н. И. Кудряшев, озарбайжон олимлари Шамистон Абди ўғли Микоилов, Яхё Шафи ўғли Керимов, туркман олимлари Абдулла Қурбонов, Ораз Язимов, қирғиз олими Киреше Иманалиев билан яқиндан мулоқотда бўлиб, улар тажрибаларини республикамиз мактаблари ҳаётига ижодий ёндошган ҳолда тадбиқ этди.

А. Зуннунов ижодкор мураббий бўлгани учун мактабда адабиёт фанини ўқитиш, уни такомиллаштириб бориш йўлларини ёш муаллимларга ўргатиб боришдан ҳеч толмади. 1965—1975 йилларда Тожикистон Республикаси ўқитувчилар малакасини ошириш институтида она тили ва адабиёт ўқитувчилари курсида мунтазам равишда маърузалар ўқиди. 1953—1994 йиллар давомида республикамизнинг деярли барча шаҳар ва вилоятларида бўлиб, мактабда адабиёт ўқитишга доир илмий-амалий кенгашларда иштирок этди, курсларда маруза қилди, мактаб ўқитувчилари билан мулоқотда бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганди, умумлаштирди, улар асосида қўлланмалар яратди. У ҳозиргача 35 фан номзоди етиштирди. Улар вилоят ва шаҳар педагогика институти ва университетларда ўқитувчи, кафедра мудири, декан бўлиб ишламоқдалар. Ж. Эсонов, Д. Омонов, Ш. Орифий, Т. Шодиев, Р. Усмонов, С. Исматов, А. Иброхимов, Р. Саидова, М. Мирфаёзовлар шулар жумласидандир. 20 дан ортиқ фан номзодларига оппонентлик қилди, Боку, Бишкек, Олмаота шаҳарларида докторлик ва номзодликни ҳимоя қилувчиларга оппонент бўлди.

Аскар акада ҳавас қилишга арзийдиган, кўпчиликка ибрат бўладиган фазилатлар ғоят кўп. Шулардан бири унинг тинимсиз фаолиятда бўлиши, доимий изланишидир.

Инсон ўз фаолияти натижасида қилган ишидан кўнгли тўлса, ҳаётдан завқ-шавқ ва куч-қудрат олса, у ҳам жисман, ҳам маънан қаримайди. Шу боис домла шу ёшида ҳам хушбичим, ораста, ғайратли, тиришқоқ, ўзига ва шогирдларига талабчан. Чунончи, Аскар аканинг саксон ёшлиги арафасида мустақил республикамиз талабига мос яна бир долзарб тадқиқот ишига — "Марказий Осиё халқ педагогикасидан лавҳалар" номли қўлланмани яратишга илмий раҳбарликни ўз зиммасига олиб, катта фаолият кўрсатаётганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир. Бу тадқиқот лойиҳаси Республика фан ва техника комитети томонидан 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ишланмалар лойиҳалари танловининг ғолиби деб топилдики, бу — бир томондан яратилажак қўлланманинг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамиятини кўрсатса, иккинчидан, А. Зуннунов фаолиятининг бунёдкорлик кучини намойиш этади, ҳаёти мазмунини янада завқли, самарали қилади.

Меҳнати, фаолияти туфайли оддий мактаб ўқитувчисидан замонамизнинг таниқли алломасига айланган муҳтарам Аскар акани 80 йиллик умр тўйи билан дилдан муборакбод этиб, республикамиз маънавий тараққиёти йўлида яна кўп йиллар омон, бардам бўлишларини истаб қоламиз.

Наримон ҲОТАМОВ,
филология фанлари номзоди, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Мактабни соғинаман

М А К Т У Б

Азиз устозим Карима опа Қосимова!
Ассалому алайкум!

Қаранг-а, Сизга мактуб ёзаман деб қўлимга қалам олишим билан ҳаво ҳам чарақлаб очилиб кетди. Мени қувватлаётгандек хонамга қуёш ҳам мўралади. Унинг тиллоранг нурларида Сизга бўлган меҳрим қалқигандек бўлди. Минг бора узр, меҳримни айтишга шошиб қоляпман чоғи. Аслида у Сизнинг меҳрингиз ёгдусини олиб киргандек бўлди.

Мактабимиз... хўп мактабимиз бор эди-а? Улуғбек номидаги 16-мактаб. Кенг ҳовлиси, хоналарининг кўплиги, гулзори, дарахтлари. Дарвоқе, физика хонаси. Унда фақат 10-синфларгина ўқишарди. Биз шу синфда ўқишга етгунимизча қанчалар илҳак бўлганмиз, физика ўқитувчимиз Фазлиддин акани қанчалар хурматлаганимиз, фанини севганимиз, айни вақтда ҳайиққанимиз...

Сиз она тилидан дарс берар эдингиз бизга. Тилимизнинг қудратини, бойлигини, салобати-ю нафислигини қулоқларимизга қуйиб қуйгандингиз. Ҳазрат Навоийдан, Маҳмуд Қошғарийдан сўзлаб, кўнгил мулкимизни бойитар эдингиз, кўп ўқишга даъват этардингиз. У вақтларда ҳар икки гапнинг бирида четдан кирган сўзларни кўпам ишлатмасдик. Тез-тез баён ёки иншо ёзардик. Энди билсам, тилни мукаммал ўрганишимизни жуда-жуда истаган экансизда. Ҳар гал дафтаримизни текшириш учун олганингизда уни сабрсизлик билан кутардик. Мен диктант олишингизни, равон овозингизни эшитишни яхши кўрардим. Бехато ёзишга шунчалар уринардимки, хато ёсам Сизни хафа қилиб қўйишимдан чўчирдим. Барибир бола эканман-да...

Кунларнинг бирида ёзма иш дафтаримизни текшириб келтирдингиз. Мен янги ўн икки варақли дафтар тутган эдим. Менинг дафтарим ҳамма дафтарларнинг устида турарди. Саломлашиб бўлгач, "Ҳозир ёзма иш натижаларини кўрамиз", дедингиз. Дафтаримни қўлингизга олганингизда юрагим негадир дук-дук ура бошлади. Кўзларингизга қараб турибман. Ҳайтовур, дафтарни очиб бир қараб олдингиз-да, "Мана бу Яйранинг ёзгани. Чиройли. Синф бўйича угина бехато ёзган. Баҳоси "беш", дедингиз.

Мен суюниб кетдим. Ўрнимдан туриб дафтарни қўлингиздан оҳиста олдим. Жойимга ўтирибману қизил қалам билан қўйилган "5"га қараб тўймасдим.

Уч-тўрт кундан кейин уйда иншо ёзиб, яна Сизга топширдик. Бу гал ҳам бехато ва чиройли ёзганимга, "беш" олишимга ишонардим. Дафтар тарқатиладиган кун хотиржамгина ўтирибман. Ҳозир яна мени мақтайсиз деб ўйлабман-да. Йўқ, "беш"чилар, хатто "тўрт"чилар ичида ҳам менинг дафтарим чиқмади. Уйингизда қолиб кетган бўлса керак деб энди ўйлай бошлагандим, бирдан отимни атаб қолдингиз. "Уч"чилар орасига адашиб тушиб қолган бўлса керак", деб ўйлайман яна. Лекин... Дафтаримни варақлаб "Уч!" дедингиз. Қулоқларимга ишонмадим. Дафтарни қўлимга олдим... Ёзувингизга ҳўзим тушди: "Квадрат математикада ишлатилади". Бола бўлмасам, "қайта" деган сўзнинг иккинчи "а"си устига "2" рақамини, яъни икки марта ўқилсин, дегандек ёзиб қўяманми?! "Қайта-қайта" деган сўзни бир мартагина ёзиб, устига ёзсам, дафтарим хунук бўлиб қолади деб, ҳалиги белгини қўйибман-да.

Ўзим нафақат Сизнинг, ҳатто синфдошларим олдида уялиб кетдим. Бу воқеа мени ҳар нарсага жиддий қарашга, масъулиятли бўлишга ўргатган эди.

Эсингиздами, синфдошларимдан бири журналга ўзига "беш" баҳо қўйиб қўйгани... Ўшанда Сиз уни қойидингизу, лекин биз қўмсайманки... Баъзан ишдаги қийинчиликларда қайси бирлари билан дилимда маслаҳатлашаман, йўл-йўриқ сўрайман. Биласизми, улар албатта, тўғри йўл кўрсатишади.

Қани энди ҳозир Қоратут кўчасидаги катта дарвозали мактабимиз бузилмаган бўлса-ю, бориб меҳрига қониб келсам, дейман. Афсус, устоз, у мактаб таг-туги билан йўқ бўлиб кетган. Бир вақтлар Тошкент шаҳрида энг машҳур бўлган, қанчадан-қанча ёшларни ҳаётга берган Улуғбек номидаги 16-ўрта мактабни топа олмайман...

Устоз, гапларим чўзилиб кетгани учун узр сўрайман. Тилимизни ардоқлашни ўргатганингиз учун минг бор ташаккурим бўлсин. Бизга берган сабоқларингиз учун, мендан вақти-вақтида хабар олиб турганингиз учун минг бор таъзимим бўлсин Сизга.

Мана, юрагимдаги Сизга, муаллимларимга аталган гапнинг фақат бир учкунинигина ёздим. Ҳозир уни хатжилдга солиб, алоқа қутисига ташлайман. У қанот қоқиб Сиз томон учади. Келинг устоз, буни жўнатмай, ҳаммамизнинг ардоқли газетамиз "Маърифат"га берай. Менинг Сиздек ҳурматли устозим борлигини (гарчанд Сизни кўпчилик билса ҳам) билишсин. Сиздек бағри кенг кишиларимиз омон бўлишсин. Камсуқум ва оқибатли инсонлар бўлишсин. Қанчалар шарафли ва ардоқли касб эгаси-а, ўқитувчилик. Агар дилдан ҳоҳлаб кирган бўлишса, бу соҳага! Ўқитиш икки карра ўқиш эканлигини тушуниб йўл олишган бўлса!..

Сизга ҳурмат билан ўқувчингиз:
Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

Бухоро шаҳридаги 100-ҲТБЮ замирида енгил саноат олий лицейи ташкил этилганлигига кўп вақт бўлмаса-да, у ерда ҳозир енгил саноат корхоналари учун зарур мутахассислар тайёрлаш иши кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Ўқув хоналари ва устахоналардаги мавжуд шарт-шароит ўқувчиларнинг ип йигирувчи, тўқувчи, тикувчи, пилталовчи, таъмирловчи-чилангар каби касблар сирларини пухта эгаллашларида асқотмоқда.

Суратда: лицей ўқувчилари амалий машғулотда.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

"Маърифат" хабарлари

БИР МАКТАБ ЯНГИЛИКЛАРИ

Уйчи туманидаги 31-мактаб радиоузели орқали берилаётган "Субҳидам сабоқлари" эшитириши барчага маъқул бўляпти. Ўқитувчиларнинг бозор иқтисодиёти, ахлоқ-одоб мавзуидаги суҳбат-чиқишлари таълим-тарбия ишларини яхшилашга ёрдам беряпти. Тонгги мулоқотларга меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳам таклиф этиляпти. Бу ўқувчиларда турли касб-ҳунарларни эгаллашга қизиқиш уйғотмоқда.

* * *

Яқинда мактаб ўқувчилари туман ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бошлиғи, милиция майори Н. Насриддинов билан учрашдилар. Учрашувда йўл ҳаракати қоидаларини кўпол тарзда бузиш ва унинг оқибатлари ҳақида милиция майори атрофлича, далиллар асосида сўзлаб берди, "Ёш автоинспекторлар" гуруҳи фаолиятини оширишга доир амалий йўл-йўриқлар кўрсатди.

* * *

Ота-оналар ўртасида педагогик билимларни кенг тарғиб этиш мақсадида мактабда ота-оналар дорилфунуни ташкил этилди. Ойда бир марта ўтказиладиган машғулотларда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, ота-оналарнинг бу борадаги ҳуқуқ ва бурчлари ўрганиляпти.

М. ОБИЛОВ.

ТАРБИЯЧИ ВА БОЛАЛАР МАМНУН

Андижон шаҳридаги 2511-автокорхона маъмурияти шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 21-болалар боғчасини оталиққа олиб, ҳозирги иқтисодий танг шароитда боғча биносини таъмирлаш ишларида яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқда. Улар иситиш қувурларини таъмирлашди, хоналарни оқлаб беришди. Шунингдек, бошқа ташкилий-тадбирий юмушларда ҳам боғча жамоасини қўллаб-қувватладилар.

ҚИРҒОВУЛЛАР КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Ғўбоскан туманидаги Абдуллажон Эргашев номидаги 27-ўрта мактабда табиатни муҳофаза қилиш тўғараги ташкил қилинган. Унга биология ўқитувчиси Одинахон Қурбонова рахбарлик қилмоқда. Тўғарақда 14 аъзо бор. Улар вилоят ўрмон хўжалигида камёб паррандалардан қирғовулларни кўпайтириш, мухофаза қилиш ишларини амалга оширишаяпти.

Ўтган давр ичида улар 56 та эркак, 10 та урғочи қирғовулларни ўз назоратларига олдилар. Бундан ташқари, қирғовул уяларидан тухумлар йиғилиб, мактабда ташкил этилган термостом ва бошқа паррандалар паноҳида сақлаб қолинди ва рацион асосида парвариш қилинди. Натижада 1992 йилда қирғовуллар сони 160 тага, 1993 йилда 205 тага, 1994 йилда эса 250 тага етди. Бу ишларни амалга оширишда ёш табиатшунослардан Баҳром Сотволдиев, Носиржон Аҳмедов, Барнохон Худоёрова, Фарҳод Қодировлар бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ,
"Маърифат"нинг жамоатчи мухбири.

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги

ХОЛИС ТАНҚИДЛАР, НАФИС ТАҲЛИЛЛАР

Абдулла Қодирий XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири. Унинг Ҳасан-Ҳусандай икки романини ўқимаган, ўқиб ҳузур қилмаган китобхон туркий оламда қолмади ҳисоби. Абдулла Қодирий маънавиятнинг янги булоғини очди. Лекин улуғ адиб социалистик тузум, коммунистча мафкура учун ҳамиша душман саналиб келинди. А. Қодирий романларининг қораловчилари "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён"нинг зўр ёзилганлигини, китобхонлар томонидан севиб ўқилаётганини тилларида эътироф этган бўлсалар-да, сиёсий-мафкуравий бурчларига кўра инкор этдилар.

Абдулла Қодирий шўро давлатининг фуқароси сифатида оқлангач, "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" у кичик асарлари "ҳибс"дан озод қилингач, улуғ ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлибтошиб, берилиб ёзиш, А. Қодирийнинг улкан санъаткор эканлигини талқину таҳлил қилиш бошланди. Лекин "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" баҳоланар экан, янги тўлқин танқидчи-тадқиқотчилари "аммо..." деган сўз билан бошланадиган "эски фикр"ни барибир айта бошладилар. Бунинг боиси аниқ-равшан эди: А. Қодирий оқланган, асарлари халққа қайтарилган бўлса-да, социалистик тузум, коммунистча мафкура ҳамон мустаҳкам эди. Пихи қайрилиб кетган баъзи танқидчилар СССР парчаланиб, коммунистик фирқа фаолияти расман тўхтатилмагунча, гарчи оқланган бўлсалар-да, собиқ "халқ душманлари" — ижодкорлар, хусусан, А. Қодирий ҳақида лом-мим демадилар, сукут сақладилар.

Кишилик жамиятининг ғаройиб қонуниятлари, андозаларига тушмайдиган томонлари бор: қилдай қимматчилик замонларда ҳам сахию наимлар топилади; зулм-зўравонлик сиртмоғи шундай кўзининг ўнгида турган маҳалларда таваккалчи, ҳақиқатдан тоймайдиганлар бош кўтаради. Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи яратилиши биланоқ ҳақиқий санъат асари туғилганлигидан беҳад қувонган кишилар, бундай асарлар асосида илмий тадқиқотлар ёзиш савоб деб англаган олимлар пайдо бўлди.

Туркийшунос олим Константин Кузьмич Юдахин 1925 йилда "Ўзбекча-русча луғат" тузишга киришди. Бу юмушни бажаришда олимга 1924-25 йиллардаги вақтли матбуот, А. Қодирийнинг 1925-26 йилларда чоп этилган "Ўтган кунлар" романининг биринчи нашри, Чўлпоннинг "Тонг сирлари" (1926) шеърий тўплами, Элбекнинг "Ёлқинлар" (1925) шеърий тўплами, шу муаллифнинг 1926 йилда II бор нашр этилган "Тўзал ёзғичлар" мажмуаси, Ботунинг "Умид учқунлари" (1925) шеърлар тўлами, Фитратнинг "Абдулфайзхон" (Москва, 1924) тариҳий драмаси, М. Муҳаммаджон ўғлининг "Эски мактаб турмуши" (1926) маиший ҳикояси, Ғози Юнуснинг "Фарзанд дуоси" (1926) маиший комедияси манба вазифасини ўтади.

1926 йилда Абдулҳамид Сулаймон ва Ашурали Зоҳирийнинг "Адабиёт парчалари" (Тошкент, 1926) мажмуаси чоп этилди. Унда А. Қодирий ҳақида маълумот, асаридан парча берилган. 1934 йилда А. Йўлдошев ва Наим Саидовнинг чала савод мактаблари (?!) учун "Ўқиш китоби" (Тошкент, "Ўздавнашр") дарслиги чоп этилди. Дарсликдан Октябрь тўнтарилишигача ва ундан кейинги рус адабиёти материаллари Л. Толстой, А. Чехов, В. Короленко, М. Горький, А. Серафимович, Д. Бедний, А. Фадеев, ДМ. Фурманов, М. Шолохов ва бошқалар кенг ўрин олган. Дарсликда ўзбек шўро ёзувчиларининг 19 та асари берилган. Унда Э. Аббос, Яшин, Ҳ. Олимжон, Носир Саидов, Ғафур Ғулом, Ғайратий асарлари бор-у, Ҳамза, Чўлпон, Авлоний асарлари йўқ. Дарсликка Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидан "Зулм ўчоғи", "Қирқ қизлар" парчалари киритилган. М. Горький, С. Айний, Абулқосим, Лоҳутий ҳақида биографик маълумот берилган, уларнинг орден ва медаллар соҳиби эканликлари таъкидланган. Умуман, 30-йилларда ордену медалли бўлиш катта унвон саналарди.

Абдулла Қодирий асарлари 1937 йилда чоп этилган мажмуа дарсликларга ҳам киритилган.

1937 йилдаги қама-қамалару "халқ душман"ларини лаънатлашлардан кейин, табиийки, А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир, Боту, Авлоний, Ғулом Зафарий номлари матбуот саҳифаларидан қувғин қилинди. Адабиётдан тузилган дастурларда, яратилган дарслик, мажмуаларда янги номлар пайдо бўла бошлади. Мана, қўлимизда Ўзбекистон ССР Халқ маорифи комиссарлиги тайёрлаган давлат ўқув-педагогика нашриёти томонидан 1941 йилда чоп этилган "Ўрта мактаб адабиёт программаси, 8-10 синфлар учун". Ажабланарлиси шундаки, бошқа ижодкорлар қатори Аҳмад Яссавий, Ҳусайн Бойқаро ижоди 8-синфда, Абдулғози Баҳодирхон, Умархон, Фазлий, Муҳаммад Солиҳ ижоди, жадид буржуа адабиёти ва унинг намояндаси Беҳбудий драмаси 9-синфда ўрганилиши, 10-синф ўқувчилари совет адабиётидан — рус совет адабиёти, совет халқлари адабиётидан 28 соат, Ғарбий Европа адабиётидан 22 соат, ўзбек совет адабиётидан 38 соат сабоқ олишлари белгиланган.

Ўзбек совет ёзувчиларидан Ҳамза ижодини ўрганишга 6 соат, Ойбек, Ғафур Ғуломга 5 соатдан, Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳорга 4 со тдан, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Яшин, Шайхзодага 3 соатдан, Ғайратийга 2 соат ажратилган. Халқ оғзаки ижоди ва унинг намояндалари — Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан, Фозил Йўлдош асарлари 12 соат давомида ўрганилиши керак бўлган. Қарангки, 40-йиллардан бошлаб диний-мистик, феодал-сарой адабиёти вакиллари сифатида камситилган ёзувчилар ижоди ўрганилди-ю, совет даврида ижод қилган, янги адабиётнинг асосини яратган Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Авлоний, Боту, Алавий, Усмон Носир сингарилар ижоди ёмонотлиқ қилинди.

60-йиллардан бошлаб Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ижодий-биографик очерклар, адабий портретлар адабиёт тарихи, дарсликларга киритила бошланди. 1961, 1962 йилларда чоп этилган икки жилдли "Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари"та Иззат Султоннинг "Абдулла Қодирий" танқидий-биографик очерки киритилди" русча таржимаси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини умумиттифоқ китобхонига тақдим этди. Маълумки, "Ўзбек совет адабиёти тарихи очеркларини яратган олимлардан бир гурухи, жумладан, бу китобнинг яратилишига бош-қош бўлган, Абдулла Қодирий ҳақидаги қисмини ёзган Иззат Султон Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

1967 йилдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти 3 жилдли "Ўзбек совет адабиёти тарихи"ни нашр этишга киришди. Биринчи жилддан Ҳамза, Айний, Сўфизода, Ғайратий қатори Абдулла Қодирий ҳақидаги танқидий-биографик очерк ҳам ўрин олди. Уни Абдулла Қодирий ижоди билан жиддий шуғулланган, "Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси" (1977) китобининг муаллифи Иброҳим Мирзаев ёзган.

1972 йили М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти 6 жилд китобдан иборат "Кўпмиллатли совет адабиёти тарихи"ни нашр эттира бошлади. Бу асарда ҳам Абдулла Қодирий ва унинг асарлари ҳақида тўхталинган. Ўзбек совет адабиётига тааллуқли материалларни Ҳомил Ёқубов, С. Мамажонов сингари олимлар тайёрлаганлар.

1987 йилдан эса "Ўзбек совет адабиёти тарихи" номли 5 жилдга мўлжалланган асар рус тилида чоп этила бошланди. Асарнинг илк жилди 1987 йилда, 2-3 жилди 1988 йилда босмадан чиқди. Гапни қисқа қилиб шуни айтиб қўя қолайлик: мазкур "... тарих" муваффақиятсиз чиқди, матбуотда унинг илк томлари кескин танқид қилинди. Ҳайриятки, 4-5-жилдлар чоп этилмади. Китобнинг 1-жилдидан "Абдулла Қодирий" танқидий очерки ўрин олган бўлиб, унда совет қодирийшунослигида такрор-такрор қайтарилаверадиган камчиликлардан ташқари, "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романларидаги воқеаларни бузиб, хом-хатала талқин қилиш кўзга яққол ташланади.

1990 йилда А. Каттабеков, С. Мамажонов, Б. Назаров, У. Норматов, И. Султонов, О. Шарафиддинов, Н. Шукуровдан иборат муаллифлар гуруҳи "Ўзбек совет адабиёти" номли олий мактаб дарслигини яратдилар. Дарсликдаги "Абдулла Қодирий" деб номланган портрет мақолани қодирийшунос Иззат Султон ёзди. Портретда А. Қодирий ҳаёти ва ижодига янгича ёндошилган. Лекин, барибир, бу ишда ҳам "Ўтган кунлар"нинг 62 йил давомида айтиб келинган камчилиги — "асарда феодал тузумнинг адолатсизлигини изчил равишда фош эта билмаслик, уни ислоҳ қилиш ва "ёмон" ҳукмдорни "яхшиси" билан алмаштириш орқали феодал тузумнинг қарама-қаршиликларини тугатиш мумкинлигига ишониш каби"лар (166-б.) айтилади. Муаллиф "Меҳробдан чаён"да феодал тузумнинг мафкурачилари ҳамда тиргаклари бўлган руҳонийлар шафқатсиз фош этилганлигини" таъкидлайди., "ёзувчи Анварнинг "тарбиячиси" Солиҳ Маҳдумдан тортиб то хон саройидаги руҳоний "аркони давлат"гача фош этган"лигини (177-б.) кўрсатади. Хуллас, социалистик тузум, марксча-ленинча дунёқарашга асосланган шўро давлати тугаб битмагунча А. Қодирий ижоди, романлари мафкуравий-сиёсий талқин-тафтишдан қутила олмади. Матёқуб Қўшжонов "Қодирий — эрксизлик қурбони" рисоласида ("Фан", 1992) ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг А. Қодирий ижоди, романларига муносабатини ҳаққоний таҳлил қилиб берди. Мазкур рисола социалистик реализм исканжасидан, вулгар социализм тазйиқидан озод бўлган янги ўзбек адабиётшунослигининг илк қалдирғоч асари сифатида пайдо бўлди.

Абдулла Қодирийнинг юз йиллик тўйи мустақил Ўзбекистонда — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, миллий қадриятлар эъзозланаётган, инсонларнинг виждон эркинлиги ҳурмат қилинаётган, ўзбекнинг ўзбеклиги улуғланаётган юртда, А. Қодирий орзу қилган мамлакатда нишонланаяпти. А. Қодирий юбилейи дейилганда мен адабий анжуман тантаналаринигина тушунмайман. Мазкур юбилей А. Қодирийнинг санъаткорлигини бутун тўлалиги билан ёритиб бермоғи, асарларини бадиият, нафосат нуқтаи назаридан талқин қилмоғи, уларни умумбашарий мезонлар асосида баҳоламоғи жоиз. А. Қодирий юбилейи муносабати билан ёш авлод бу санъаткорни ўзи учун кашф этиши лозим. Бу ишда адабий танқид етакчилик қилмоғи, ёзувчи асарларини турли ракурслардан талқин-таҳлил этмоғи керак. Юбилей баҳонасида А. Қодирийни кўрган-билганларнинг хотираэсдаликлари ёзиб олиниши, чоп этилиши жоиз. Бу соҳадаги дастлабки иш амалга ошди: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти шу йил "Ёднома" рукнида "Қодирийни қўмсаб" китобчасини чоп этди. Ҳабибулла Қодирий ва Маъсуд Абдуллаев хотиралари эса аллақачон эл орасида машҳур бўлиб кетган.

Адиб юбилейи арафасида маҳоратшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг "Ўзбекнинг ўзлиги" номли илмий-оммабоп асари Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида нашр этилди. Асарда "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларининг санъаткорона қурилмаси, қаҳрамон танлаш маҳорати, икки романдаги қаҳрамонлар қиёси, романлардаги маънонинг ранг-баранглиги мантиқ ва тасвир мутаносиблиги, сюжет чизиқлари ва ғоявий бирлик сингари масалалар илмий, қизиқарли ҳал қилинади. "Адиб маънавияти мустақиллик хизматида", "Маҳорат сабоқлари" бобларида ўзбекона лутф, андиша, одоб сингарилар ҳақида, шунингдек, А. Қодирийнинг маҳорат мактаби ва унинг мухлис-издошлари хусусида фикр-мушоҳада юритилади.

Адиб тўйига атаб чоп этилган асарлар орасида Ҳадича Лутфиддинованинг Кумуш образи ҳақида фикр юритилган "Лолалар ичидаги гул" (Тошкент, "Ўзбекистон", 1994) китобчаси ҳам бор. "Университет" нашриёти эса яқин кунларда "Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси" номли тадқиқотни китобхонлар ҳукмига ҳавола қилади. Бу асарни Тошкент давлат университети филология факультети қошидаги илмий гурух ходимлари тайёрлашган.

Умуман, Абдулла Қодирий XX аср ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг асосий сиймоларидан бўлган ёзувчидир. Бу ёзувчи ижоди ҳақида манфий қарашлар қанча кўп бўлса, унинг асарлари, қаҳрамонлари тўғрисидаги мусбат муносабатлар шунчалик серобдир. Зеро, ҳақиқий санъаткорлар ижоди ҳамиша адабий баҳс, тортишувларга сабаб бўлади. Мустақил Ўзбекистоннинг адабиётшунос ва танқидчилари А. Қодирий асарларини янгича талқин қилишлари, баҳолашлари зарур. Негаки, А. Қодирий XX асрнинг етук санъаткорлари қаторида эътироф этилишига лойиқ ижодкордир. Адибнинг "Мустақиллик" ордени билан тақдирланишини улуғ санъаткор руҳининг шод этилиши, асарларининг муносиб баҳоланганлигидир.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари номзоди, ТошДУ доценти.

Хотира

ТАБАРРУК СИЙМО

Ҳар гал устозлар, муаллимлар ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимда бутун умрини ёш авлод тарбияси, унинг камолоти йўлига бахш этган Оқилхон Шарафиддиновнинг табаррук сиймоси гавдаланади.

Оқилхон ота 1898 йилда Тошентда, оддий ҳунарманд оиласида дунёга келди. Дастлаб ўз оталаридан, сўнг мадрасада таълим оладилар. 20-йилларнинг бошида ўқитувчилар учун ташкил этилган курсни тугатгач, Тўйтепа қишлоғига бориб муаллимлик қиладилар. Маълумки, 20-йилларда ҳали алоҳида мактаб бинолари, ўқув қуроллари йўқ эди. Шунга қарамай Оқилхон ака қишлоқ одамлари билан, туман раҳбарлари ёрдамида қишлоқнинг собиқ мингбошиси ҳовлисида янги мактаб ташкил этади. Қўлбола парта, стол, стуллар ясатиб, ўқишни бошлайди. Шу тарзда 2—3 йил қишлоқда ўқитувчилик қилгач, 1924 йилда Тошкентга келиб, яна ўз билимларини чуқурлаштиришга ҳаракат қиладилар. Кундузи пойтахтдаги 14-ўрта мактабнинг 1-синфларида дарс бериш билан бирга, Низомий номидаги педагогика институтида ўз билимларини ошира бордилар. Маълумки, бу даврда ўқувчилар учун дарсликлар йўқ эди. Айниқса, мактабга янги келган болалар учун "Алифбе" жуда зарур эди. Шу масала Оқилхон акани кўп ташвишга соларди. Домла дастлаб "Билим ва меҳнат", "Меҳнат болалари", "Ўқиш китоби", кейинчалик "Алифбе" китобини яратишга эришдилар. Булар ўз вақтида бошланғич синф ўқитувчилари учун асосий қўлланма эди. Оқилхон ака ўша пайтда тинмай "Алифбе" яратиш устида иш олиб бордилар. Ниҳоят, изланишлар, тажрибалар натижаси ўлароқ 1938 йилда "Алифбе" китоби вазирлик тасдиғидан ўтиб, 1980 йилгача қўлланиб келинди. Кейинги йилларда устознинг шогирди, педагогика фанлари доктори Кумри Абдуллаева янги "Алифбе" яратди. Аммо устоз ҳурмати учун унда ҳам Оқилхон Шарафиддиновнинг номи сақланмоқда.

О. Шарафиддиновнинг хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланди. Устоз бир неча орден ва медаллар, таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан (1968) Меҳнат Қаҳрамони унвони соҳиби бўлди. Домла вафотидан сўнг (1981) эса пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 29- ва дастлаб ишлаган Тўйтепа қишлоғидаги 1-мактабларга, шунингдек, у киши яшаган Ўзгариш кўчасига Оқилхон Шарафиддиновнинг табаррук номлари берилди.

Ҳа, бутун умрини халқ маорифига сарфлаган ҳақиқий фидойи педагогни ҳар қанча ардоқласак арзийди.

1993 йил мартида Оқилхон Шарафиддинов таваллудининг 95 йиллиги кенг нишонланган эди. Ўша кунлари фахрий педагоглар Республика ўқитувчилар уйини Оқилхон Шарафиддинов номи билан аташ, Ўқитувчилар уйи хиёбонига устоз бюстини ўрнатиш, шунингдек, Оқилхон Шарафиддинов номидаги мукофот таъсис этиб, жумҳуриятдаги энг илғор 1-синф ўқитувчиларига бериб бориш истагини билдиришганди. Афсуски, бу таклифлар оғизда қолди. Эзгуликнинг кечи йўқ дейишади. Муаллимларнинг касб байрами кунлари миллионлаб болаларни саводли қилишда фидойилик қилган камтарин устозни яна бир бор хотирлар эканмиз, таваллудининг 100 йиллигига қадар юқорида эслатилган талаблар ҳам амалга ошса, республика педагоглари янада хурсанд бўлишарди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, фахрий педагог.

ҚЎЛИ ГУЛ ЙИГИТ

Расулжон Эшонқулов Бешариқ туманидаги Сирожиддин Валиев номидаги илм масканида меҳнат таълимидан сабоқ беради. У ҳақда гап кетганда, одамлар фахрланиб, "Қўли гул уста", дейдилар. У қурган иморатлар, ясаган эшик-ромлар, нақшинкор гуллар, ёғочдан ўйиб ишланган тасвирлар киши нигоҳини беихтиёр ўзига тортади.

Расулжон дурадгор бўлишни болалигидан орзу қиларди. Бу орзу-истак кейинчалик ҳақиқатга айланди. Унга меҳнат таълими ўқитувчиси Абдусаттор ака Саидакбаров устозлик қилди, йўл-йўриқлар кўрсатди. У ясаган жавон, ром, хонтахта сингари дурадгорлик буюмлари туман, вилоят, республика олимпиадалари ва кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллади. Ёш дурадгор 10 - синфда ўқиётган пайтида Тошкентда ўтказилган республика кўрик-танлови ғолиби бўлиб, биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар, республика Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Расулжон Эшонқулов мактабда олган билими билан чекланиб қолмади. У маҳалланинг кўзга кўринган қўли гул усталарига шогирд тушди, улар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, ҳунармандчиликнинг нозик сирларини ўрганди. Унутилиб кетаётган халқ амалий санъати усуллари— ёғоч ўймакорлиги, жавон, бешик, уй жиҳозлари ясаш сирларини ўзлаштирди. Мактабни тамомлагач, иккиланмай хужжатларини Фарғона политехника институтининг қурилиш факультетига топширди. Бу орада ҳарбий хизматини ҳам ўтаб қайтди. Институтни тамомлаб, ўзи таҳсил олган жонажон мактабига ўқитувчи бўлиб келиб, отасининг касбини давом эттирди — ёшларга меҳнат таълимидан сабоқ бера бошлади.

Мана, етти йилдирки, у Сирожиддин Валиев номидаги мактабда ўқувчиларга дурадгорлик, техник меҳнат сирларини ўргатаётир.

Мактаб устахонасида барча турдаги дастгоҳлар мавжуд бўлиб, у замонавий услубда жиҳозланган. Дурадгорлик тўгараги мунтазам ишлаб турибди.

Муаллимнинг бирдан-бир орзуси мактаб қошида кичик корхона очиш, ҳунармандчиликни йўлга қўйиш. Бундан ҳам мактаб, ҳам одамлар манфаатдор бўлади. Ўқувчилар мустақил тайёрлаган буюмларини эркин сота олсалар, уларда ўз меҳнатларидан қониқиш ҳисси ҳосил бўлади. Расулжон ҳамиша шогирдлари даврасида, уларга касб-ҳунар маҳоратини ўргатади. Унинг собиқ шогирдлари мустақил фаолият кўрсатишмоқда, олий ўқув юртларида шу соҳа сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

Маърифат ҒАНИЕВА.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

Ўқитувчи ўз шогирдининг ҳаётда ўрнини топиб кетганини кўрганида қувониши, унинг ютуқлари билан фахрланиши табиий ҳол. Менинг қўлимда сабоқ олганлар орасида атоқли шоир ва адиблар, олимлар, турли идора ва муассасаларнинг раҳбарлари бор. Уларнинг аксарияти мактабларда ўзлари танлаган касбда сидқидилдан меҳнат қилишаётир. Шундайлардан бири Самарқанд шаҳридаги Зебуннисо номидаги 9-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Дилбар Вафоевадир.

Самарқанд туманидаги 21-мактабдан 1956 йилда дорилфунунимизга ўқишга келган Дилбархон беш йил мобайнида курсдошлари орасида ўзининг илмга чанқоқлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб турди. У дорилфунунни битиргач, Самарқанд туманидаги 12-мактабга йўлланма олди ва бу ерда беш йил ишлади. Кейин эса турмуш тақозоси билан Самарқанд шаҳри марказидаги 9-ўрта мактабга она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Мана, йигирма саккиз йилдирки, шу даргоҳда сидқидилдан меҳнат қилаётир. Мазкур мактаб унинг педагогик маҳорати юксалишида, ижодий камол топишида яна бир дорилфунун вазифасини ўтади.

Биз дорилфунун талабалари ўқув-тажриба раҳбари сифатида ижодкор ўқитувчининг дарсларида қатнашиб, унинг ижодкорлигига тўла ишонч ҳосил қилганмиз. Жумладан, юқори синфлардаги адабиёт мавзуларини ўтишда Хўжа Исмоил Бухорий, Алишер Навоий, Хўжа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби улуғлар яшаган жойларни ўқувчилар билан биргаликда бориб кўриб, улар ҳақида зарурий маълумотлар бериш орқали мавзу кенгайтирилади. Экскурсия таассуротлари асосида ншо ёзилади.

Ижодкор муаллима Дилбар Вафоева олий тоифали ўқитувчи сифатида ўз иш тажрибасини ҳамкасблари билан ўртоқлашиб келаётир. У мактабда тил - адабиёт ўқитувчиларининг сардори.

Хуллас, ўз касбининг жонкуяри, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Дилбар Вафоева Самарқанд шаҳридаги тажрибали ўқитувчиларнинг бири сифатида ўз касб байрамини янги-янги ютуқлар, ижодий изланиш билан кутиб олаётир.

Кимё АҲМАДЖОНОВА,
Самарқанд давлат дорилфунуни доценти.

ЕРГА ЕРЛАШСАНГ, ОСМОН БЎЙИ КЎТАРАР

Бир ўқитувчимиз бўларди. Жуда билимдон домла эди. Нима бўлди-ю, шу кишини мактабдан ҳайдашди. Кейин эшитишимизча, бу бойликка, пулга ружу қўйган деб партиядан ҳам ўчиришибди. Лекин, биз билардик, унинг даромади томорқасидаги экин-тикинлару, қўрасидаги моллари ҳисобидан эди.

Шукр, давр эврилди. Ҳақиқий меҳнат ишисининг замони келди. Бу кун замон тарозиси посангисини ишбилармонлар, тадбиркорлар босаётир. Кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ҳаётимизнинг оддий русумига айланмоқда. Зеро, ўзи тўйган, элни ҳам тўйдиради. Ана шундай давр кишиларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 38-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Мадиёр Қутлимуродовдир.

"Инсон бахтли яшаши керак. Агар у ба тсиз бўлса, бунга унинг ўзи айбдор" деган гапи бор Лев Толстойнинг.

Мадиёр ака ҳозирги қийин шароитда, кўпчилик нотавонлар нолиб юрган дамда ўз бахтини ўзи яратмоқда. Унинг фермер хўжалиги тумандаги бақувват хўжаликлардан. Бугунги кунга келиб, ундаги қорамоллар сони 30 тага етди. Фермер ўзи яшайдиган қишлоқда жойлашган боғча ва мактабни сут билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Ҳозиргача хўжалик 15 тонна сут, 2 тонна гўшт топширди.

Мадиёр ака хонадонини кўздан кечирар экансиз, у ердаги тўкисликни кўриб, кўнглингиздан бир ўй кечади: Меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмайди. Зеро, айтишади-ку: "Ерга ерлашсанг, осмон бўйи кўтарар"

А. ШОКИРОВ.

Ҳамкасблар ижодидан

География дарсида

Ўқитувчи дарс пайти
Ғуломга берди савол:
— Ер ости бойликларин,
Қани, санаб бера қол.

— Ер ости бойликлари
Жуда кўп, — дейди Ғулом,
— Олтин, кумуш, тошкўмир
Ва, яна... сабзи, шолғом..

Билиб олди

"Тошбақалар жуда узоқ
Ҳатто беш юз йил яшар". —
Китобидан ўқиб буни
Ўйланиб қолди Яшар:
"Энди билдим, тошбақалар
Кўп йилларга берсин дош,
Деб ўйлашиб, уй қурганда
Ишлатишар экан тош..."

Ўжар

Она койир Миразизни:
— Ҳурмат қилгин Лазизни.
Иш буюрса сенга гоҳо,
Зарда қилма албатта.
"Бир қўйлакни ортиқ йиртган" —
Ахир у сендан катта.
Шартта йиртиб қўйлагини
Дейди ўжар Миразиз:
— Мана энди акам билан
Тенг бўлдими ёшимиз...

Лой ботинка

— Ботинкангга қарагин,
Артилмабди лойи, эҳ.
Тозалик раиси Хол
Тўланга берар танбеҳ. —
Меникига қара, гард
Юқмаган бир жойига.
Сен ҳам шундай яхшилаб
Арттириб юр... ойингга...

Ҳозиржавоб

— Тулкичанинг расмини
Сен чиздингми, Тоҳиржон?
Қизиқ, нега думсиз у? —
Сўраб қолди Зокиржон.
Дерсиз, хато қилган он,
Ким ҳам бир сўз айтарди?!
Аммо бизнинг Тоҳиржон
Дарров жавоб қайтарди:
— Ўсиб қолар узун дум,
Кутиш керак, — кулди у.
Ахир, бу ёш тулкича —
Уни бугун чиздим-ку!..

Дилмурод ШОКИРОВ.
Андижон тумани 3-ўрта мактаб.

КАЛЛАБЎШ

ҲАЖВИЯ

Эрталаб бошлиқ ишга отланяпти. Хотинига: — Шляпани ол, — деди.

Узатади. Хотин:

— Бозордаги нарх-наводан хабар олинг, қандай экан? — деб илтимос қилди. — Унда дўппини ҳам ол.

Узатади. Хотин:

— Ўғлингизнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси чақиртирган экан. Чет элга мусобақага олиб борар эмишми-ей. Бирров мактабга ҳам кириб ўтинг, — деб тайинлади.

— Ҳм-м, яхши. Амриқодан олиб келган спорт қалпоғимни ол.Узатади. Хотин:

— Анови дўкондор бор-ку, оти қурсин... Қодирбой, айтган нарсаларини топиб қўйдим. Хўжайинга айтинг, олдимга ўтсин, деб қўнғироқ қилган эди, — деди.

— Ў, гапингга борман, хотин, яшшавор. Ондатра телпакни ол.Узатади. Хотин:

— Айтгандай, ёдимдан кўтарилай депти. Кеча адамлар келган эдилар. Бугун кечқурун худойи қилаётган эканлар. Куёвга айт, ўтсин, деган эдилар, — деди ўтасизми дегандай ялиниб.

Бошлиқ соатига ишора қилиб:

— Мажлисим бор. Соат олтиларда тугатаман. Ҳа, майли, бирдан ўшаёққа ўта қоламан. Ҳойнаҳой, сен эртароқ борсанг керак. Салламни ўзинг олиб ўта қол, — деди.

— Қизиқмисиз, тоғора билан қандай кўтариб бораман.

— Ҳа, майли, ол, мошиннинг орқасига ташлаб қўяман.Узатади. Хотин:

— Адаси, ўғлингизга ҳам тайинламоқчиман. Мактабдан чиқиб тўғри ўшаёққа ўтади. Бугун етиб кела қоламизми, — деди.

Бошлиқ бир оз ўйланиб:

Майли, ундай бўлса, кечаси кийиб етадиган каллапўшимни ўғлингнинг папкасига солиб юбора қол. Уйга келиб овора бўлиб юрмайман, — деб жавоб қилди.

Сўнг, ишхонасига равона бўлди. Йўлда афсус билан пешонасига чертди: — Э, калла...

— Ҳа, нима бўлди? — деб сўради ҳайдовчиси.

— Бугун ҳаммомга тушмоқчи эдим. Иссиқхонада киядиган қалпоғим эсдан чиқибди-ку...

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ БЎЛИМИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

1994-95 ўқув йилининг қишки ва ёзги сессиялари қуйидаги муддатларда ўтади:

ФАКУЛЬТЕТЛАР	КУРС	ҚИШКИ СЕССИЯ	ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ	ЁЗГИ СЕССИЯ
БТУ	I	10.X.-10.XI		1.II-20.II.
	II	1.I.-10.I.		1.VI.-30.VI
	III	1.I.-10.I.		1.VI.-30.VI
	IV	1.I.-10.I	11.I.-11.II.	1.VI.-30.VI
	V	1.I.-10.I	11.I.-11.II.	1.VI.-30.VI.
ДЕФЕКТОЛОГИЯ	I	10.X-10.XI		1.II.-20.II.
	II	1.I.-10.I.		1.VI.-30.VI
	III	1.I.-10.I.		1.VI.-30.VI
	IV	1.I-10.I	11.I.-11.II.	1.VI.-30.VI.
	V	1.I.-10.I	11.I.-11.II.	1.VI.-30.VI.
МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ	I	10.X.-10.XI		1.II-20.II
	II	21.XII.-31.XII		1.IV.-20.IV.
	III	21.XII.-31.XII		1.IV.-30.IV
	IV	1.XII.-10.XII	11.XII.-25.XII	1.III.-30.II.
	V	1.XII.-10.XII	11.XII.-25-XII	1.III.-30.III.
ТАРИХ	I	10.X.-10.XI		1.III.-20.III.
	II	12.XII.-21.X.II		1.III.-20.III.
	III	12.XII.-21.XII		1.III.-30.III.
	IV	12.I.-21.I.	4 ҳафта	1.V.-30.V
	V	12.I.-21.I	2 ҳафта	1.V.-30.V.
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ	III	21.XII.-30.XII		1.V.-30.V.
	IV	11.XI.-20.XI.	4 ҳафта	1.IV.-30.IV
	V	11.XI.-20.XI	2 ҳафта	1.IV.-30.IV
	VI	1.XI.-24.XI		
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ,, қўшимча ОДОБНОМА	I.	10.X.-10.XI		1.III.-20.III.
	II	12.XII.-21.XII		1.III.-20.III.
	III	12.XII.-21.XII		1.III.-30.III.
РУС МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ	III	12.XII.-21.XII		1.V.-30.V.
	IV	12.XI-20.XI	4 ҳафта	1.V.-30.V
	V	12.XI-20.XI	2 ҳафта	1.V.-30.V
РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ	I	10.X.-10.XI		1.III.-20.III
	II	2.I.-31.II.		
	III	21.XII.-30.XII		1.III-30.III
	IV	11.XI.-20.XI	4 ҳафта	1.IV-30.IV
	V	11.XI.-20.XI	2 ҳафта	1.IV-30.IV
ҚОЗОҚ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ	II	12.XII.-20.XII		12.III.-31.III.
	III	21.XII.-30.XII		1.V.-30.V.
	IV	12.I.-21.I.	4 ҳафта	1.IV.-30.IV
	V	2.I.-12.I.	2 ҳафта	1.IV.-30.IV
ФИЗИКА	II	1.XII.-10.XII		2.III.-31.III.
	III	1.XII.-10.XII		2.III.-31.III.
	IV	1.XI.-10.XI	11.XI-8.XII	1.II.-2.III.
	V	1.XI.-10.XI	11.XI-8.XII	1.II.-2.III.
МАТЕМАТИКА	I	10.X.-10.XI	1.V.-20.V.	
	II	1.XII.-10.XII		1.V.-30.V.
	III	1.XII.-10.XII		1.V.-30.V.
	IV	1.XI.-10.XI	11.XI-8.XII	2.III.-31.III.
	V	1.XI.-10.XI	11.XI-8.XII	2.III.-31.III.
МУСИҚА	I	10.X.-10.XI		1.IV.-20.IV
	III	15.XI.-25.XI		1.IV.-30.IV
	IV	15.XI.-25.XI	26.XI.-22.XII	1.IV.-30.IV
МЕХНАТ	II	1.XII.-10.XII		1.II.-20.II.
	III	1.XII.-10.XII		1.II.-2.III.
	IV	20.XI.-30.XII	1.XII.-28.XII	2.III.-31.III.
	V	20.XI.-30.XI	1.XII.-27.XII	2.III.-31.III.
БГФ	II	1.XI.-10.XI		1.II.-20.II.
	III	20.XI.-29.XI		1.III.-30.III.
	IV	1.XI.-10.XI	11.XI.-8.XII	1.II-28.III
	V	20.XI.-29.XI	1.XII.-25.XII	1.III.-30.III
БИОЛОГИЯ	III	1.XI.-10.XI		1.II.-28.II
	IV	1.XI.-10.XI	11.XI-8XII	1.IV.-30.IV
	V	20.XI.-29.XI	1.XII.-25.XII	1.IV.-30.IV
ХИМИЯ	II	11.XII.-19.XII	21.V.-30.V	1.V-20.V
	III	11.XII.-19.XII		1.V.-30.V
	IV	20.XI.-29.XII	1.XII-25.XII	1.V.-30.V
	V	20.XI.-30.XI	1.XII-25.XII	1.V.-30.V.
ГЕОГРАФИЯ	I	10.X.-10.XI		1.IV.-20.IV
	III	11.XII.-19.XII		1.III.-30.III.
	IV	11.I-20.I	21.I.-18.II	1.IV.-30.IV
	V	2.I-20.I	21.I.-19.II	1.V-30.V

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Наманган туманидаги Х. Бобоназаров номидаги 8-мактабда синфдан ташқари ишларни олиб бориш намунали йўлга қўйилган. Яқинда бу ўқув даргоҳида "Она тилим — онадай азиз" мавзуида тил байрами ўтказилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига бағишлаб ўтказилган байрам кечасида шоирлардан О. Бобоназаров, Д. Сотиволдиева, Р. Ғозиевалар шеърларидан ўқиб, йиғилганларни хушнуд қилишди.Мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси С. Бобоназарова тил байрамини ўтказишда алоҳида ташкилотчилик кўрсатди. Она тилимизга эътибор, тилимизнинг беқиёс гўзаллиги ўқувчилар тайёрлаган деворий газеталарда, ижро этилган интермедиялар, латифалар, мақол-маталларда акс этди.

Т. РАҲИМОВА.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси маориф вазирининг собиқ ўринбосари И. С. Мўминовга укаси
Исмоил МЎМИНОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик ббилдиради.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ҳамда шу тумандаги 70-ўрта мактаб жамоаси физика ўқитувчиси Гўзал Усмоновага отаси, шу мактабнинг собиқ ўқитувчиси
Тошпўлат УСМОНОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди